

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮСУПХЎЖАЕВА АЗИЗА МАЖИДОВНА

ОҚАВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИНИ
ГИГИЕНИК ТАВСИФИ ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

14.00.07 - Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юсупхўжаева Азиза Мажидовна

Оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник

тавсифи ва профилактик чора-тадбирлар

ишлаб чиқиш 3

Юсупхўжаева Азиза Мажидовна

Гигиеническая характеристика процесса

очистки сточных вод и разработка

профилактических мероприятий 21

Yusupxo`jayeva Aziza Majidovna

Hygienic characteristics of wastewater

treatment and development of preventive majors 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 41

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮСУПХЎЖАЕВА АЗИЗА МАЖИДОВНА

ОҚАВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИНИ
ГИГИЕНИК ТАВСИФИ ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

14.00.07 - Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tib2093 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Искандарова Гузал Тулкиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саломова Феруза Ибодуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Шовалиев Илхом Хақназарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси. 2-уй, Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси. 2-уй, Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгашнинг
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация анотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сув амалда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш соҳасида ва халк хўжалигида катта аҳамиятга эгадир. Аҳолининг маиший шароити, ўсимлик ва ҳайвонот олами учун сувнинг нечоғлик зарурлиги барчага маълум. Жуда кўп турдаги тирик мавжудотлар учун сув табиий яшаш муҳити ҳисобланади. Чучук сув етишмовчилиги ҳозирги даврнинг ўзидаёқ жаҳондада турган энг асосий муаммолардан биридир. «...ишлаб чиқариш соҳаси ва қишлоқ хўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжини тобора ортиб бориши, дунёда бу муаммони ечишнинг турли манбаларини излаш масаласини долзарблиги тақоза қилади...»¹. Шаҳарларнинг кенгайиши, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши, қишлоқ хўжалигининг мунтазам ўсиши, суғориладиган далалар майдонининг сезиларли кенгайиши, маданий маиший шароитларнинг яхшиланиши ва яна бир қатор омиллар сув таъминоти муаммолорини янада мураккаблаштирмоқда. Сув манбаларидан фойдаланишнинг қуйидаги йўналишлари замонавий босқичда долзарб бўлиб, сув манбаларидан янада оқилона фойдаланиш ва чучук сув захираларини қайта тиклашни кенгайтириш, сув манбаларини ифлосланишини олдини олишга имкон берувчи янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш бугунги кунда профилактик тиббиёт соҳасининг ҳал қилиниш зарур бўлган муаммоларидан биридир.

Жаҳонда оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифи ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада йирик шаҳарларда мавжуд бўлган очик сув ҳавзаларига оқава сувларни ташлашдан санитар муҳофазаланишнинг ривожланиш тарихини, очик сув ҳавзаларини санитар топографик ҳолатини, оқава сувларни тозалаш иншооти қурилмалари иш самарадорлигини гигиеник баҳолаш ишларини, тозаланган оқава сувни очик сув ҳавзаси сувларига таъсирини баҳолаш, очик сув ҳавзаларига тушаётган юза фаол моддалар миқдори ва уларни сув ҳавзаси суви сифатига ва сувдан фойдаланишга таъсирини баҳолаш ҳамда ҳосил бўладиган оқава сувларни тозалаш тизимларини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, сув таъминотининг издан чиқиши натижасида юзага келадиган касалликларни бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш

¹ Остроумов С. А. О биотическом самоочищении водных экосистем. Элементы теории // Доклады академии наук. – Федеральное государственное бюджетное учреждение " Российская академия наук", 2004. – Т. 396. – №. 1. – С. 136-141.

даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифи ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишни оптималлаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Очик сув ҳавзаларини ифлослантирувчи яна бир манба бу сунъий ювувчи моддалар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади. Бу корхоналар ўз маҳсулотларининг бир қисмини чиқиндилар билан қўшиб атмосфера ҳавосига ташлайди, бу моддалар тупрокка кўнади, натижада турли ёғингарчиликлар таъсири натижасида улар эриб очик сув ҳавзаларига тушади (С.А. Остроумов, 2004). Дарёлар ва бошқа турдаги очик сув манбаларида табиий, сувни ўз-ўзини тозалаш жараёни кетади. Аммо бу жараён табиий равишда жуда секин амалга ошади. Натижада ҳосил бўлаётган оқава сувларни тозалаш, зарарсизлантириш ва утилизация қилишга эҳтиёж туғилди. Оқава сувлар ҳажмини ортиши, улар таркибини мураккаблашиб бориши, тозалаш тизимини мукамаллаштириш ва тозалаш иншоотлари иш самарадорлигини оширишни талаб қилди. Аҳоли хўжалик-ичимлик сув таъминоти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу кўпгина ҳолларда аҳоли саломатлигини баҳоловчи кўрсаткич ҳисобланади (Л.А. Аликбаева, 2006). Хўжалик ичимлик ва маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган сув объектлари ифлосланган ҳисобланади қачонки, сувдан фойдаланиш жойида сувнинг таркиби ва хусусиятлари бевосита ёки билвосита хўжалик фаолияти, маиший фойдаланиш таъсирида ўзгарган бўлиши ва қисман ёки тўлиқ ҳолда

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

суддан фойдаланиш учун яроқсиз деб топилиши керак (В.А. Смиренная, 2001). СЮФМлардан (сунъий юза фаол моддалар) кенг фойдаланиш, айниқса юувчи воситалар таркибининг асосини ташкил қилиши ва бу моддалардан кўп миқдорда фойдаланиш СЮФМларни оқава сувларга кўп миқдорда тушишига ва бу сув таркибида хўжалик ичимлик сув таъминоти манбаларига кўшилишига сабаб бўлади. Ҳозирги даврда мазкур моддалар очиқ сув ҳавзаларини ифлослантирувчи энг кенг тарқалган кимёвий бирикмалар ҳисобланади. Аҳолининг сув таъминотида СЮФМларни пайдо бўлишига асосий сабаб замонавий сув таъминоти иншоотлари иш самарадорлигининг пастлиги ҳисобланади. Шу билан бир қаторда юза фаол моддалар сувнинг сифатига, сув ҳавзаларини ўз-ўзини тозалаш жараёнига, инсонлар организмига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, ҳамда бу кўрсаткичларга бошқа моддаларнинг нохуш таъсирини ошириши мумкин.

Таркибида анионоактив сунъий фаол моддалар сақловчи сунъий ювиш воситаларидан маиший шароитда кенг фойдаланиш, ҳар қандай канализацияланган аҳоли яшаш жойида ҳосил бўлаётган оқава сув таркибида бу моддаларнинг учрашига сабаб бўлади (С.А. Остроумов, 2004). Бу турдаги корхоналардан ҳосил бўлаётган оқава сувлар сифати жиҳатидан хавфлилиги билан етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбекистонда атроф-муҳит ва турли хавф омиллари хусусиятларини гигиеник аспектларини ўрганиш ва баҳолаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Т.И.Искандаров, 2022; Г.И.Шайхова, 2019; 2020; Д.А.Зарединов, 2020; Камилова Р.Т., 2020; Ф.И.Саломова, 2021; Н.Ж.Эрматов, 2021; 2022) бироқ, оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифи ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Юқорида қайт этилганлардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки мавжуд бўлган очиқ сув ҳавзаларига оқава сувларни ташлашда санитар муҳофазалашнинг ривожланиш тарихини баҳолаш билан биргаликда Тошкент шаҳрида мавжуд бўлган Салар ва Боз-су очиқ сув ҳавзаларини санитар топографик текшириш мақсадга мувофиқдир. Салар ва Боз-су оқава сувларни тозалаш иншооти қурилмалари иш самарадорлигини гигиеник баҳолаш ҳамда тозаланган оқава сувни очиқ сув ҳавзаси сувларига таъсирини баҳолаш билан биргаликда Салар ва Боз-су очиқ сув ҳавзаларига тушаётган юза фаол моддалар миқдори ва уларни сув ҳавзаси суви сифатига ва суддан фойдаланишга таъсирига ҳамда Тошкент шаҳрида ҳосил бўладиган оқава сувларни тозалаш тизимларини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03-4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни

такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2018-2022 йй) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлиб аҳолидан ҳосил бўлувчи оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифлаш ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент шаҳрида мавжуд бўлган очиқ сув ҳавзаларига оқава сувларни ташлашдан санитар муҳофазалашнинг ривожланиш тарихини баҳолаш.

Тошкент шаҳрида мавжуд бўлган Салар ва Боз-су очиқ сув ҳавзаларини санитар топографик текшириш;

Салар ва Боз-су оқава сувларни тозалаш иншооти қурилмалари иш самарадорлигини гигиеник баҳолаш ишларини олиб бориш;

Салар ва Боз-су очиқ сув ҳавзаларига тушаётган юза фаол моддалар миқдори ва уларни сув ҳавзаси суви сифатига ва сувдан фойдаланишга таъсирини баҳолаш.

Тошкент шаҳрида ҳосил бўладиган оқава сувларни тозалаш тизимларини оптималлаштириш бўйича чора тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти қилиб Тошкент шаҳридаги иккита йирик Салар ва Боз-су аэроstationлари ва улардаги чиқинди сувларини тозалаш фаолиятини баҳолаш танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Тошкент шаҳри аҳолисидан ҳосил бўлувчи чиқинди сувларни бактериологик, токсикологик, кимёвий ва гельминтологик текшириш ҳамда чўкмани қайта ишлаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифи ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишда санитар-гигиеник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳар аҳолисидан ҳосил бўлаётган маиший оқава сувларни тозалаш аэроstationлари иш самарадорлиги капитал таъмир ва реконструкция ишларидан кейин қурилмаларнинг иш самарадорлиги кескин ошган (75%), аммо станцияга кириб келадиган чиқинди сув миқдорини кўпайиб бориши ҳисобига тозалаш қурилмаларини иш самарадорлигини пасайиш ҳавфи асосланган;

Боз-су ва Салар каналлари сувининг сифат таркиби органолептик, санитар кимёвий, бактериологик мезонлари бўйича хавфсизлик кўрсаткичлари исботланган;

Тошкент шаҳридаги Боз-су ва Салар очиқ сув ҳавзаларини ифлослантирувчи манбалар сонини кундан кунга ортиб бориши, мазкур ифлослантирувчи моддалар миқдорини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

Тошкент шаҳри аҳолисидан ҳосил бўладиган оқава сувлар таркибидаги сунъий юза фаол моддаларни сув ҳавзалари сувларига, сувдан фойдаланишга ва аҳоли саломатлигига кўрсатадиган салбий таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи иккита Салар ва Боз-су йирик очиқ сув ҳавзалари сувининг органолептик, санитар-кимёвий, бактериологик кўрсаткичлари баҳоланган;

Салар ва Боз-су аэростанцияларидаги мавжуд тозалаш иншоотларининг техник ва гигиеник самарадорлиги баҳоланган;

тозалаш қурилмаларининг иш самарадорлигини ошириш бўйича профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқилган;

аҳолидан ва ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳосил бўладиган чиқинди сув таркибидаги сунъий юза фаол моддалар ва уларни аэростанция қурилмаларида ушлаб қолиниш самарадорлигини баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган санитар-гигиеник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар асосида оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифи ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Салар ва Боз-су очиқ сув ҳавзаларини санитар топографик текшириш, мазкур сув ҳавзаларининг санитар гигиеник ҳолатига комплекс баҳолаш, илк бор иссиқ иқлим шароитида сунъий юза фаол моддаларни сув ҳавзаси сувига, аҳолининг турмуш шароитига таъсири баҳолаш ҳамда Тошкент шаҳар аҳолисидан ҳосил бўлувчи оқава сувларни тозалашга ихтисослашган Салар ва Боз-су аэрастанцияларининг иш фаолияти, қурилмаларнинг техник ва гигиеник самарадорлигини баҳолашда мазкур қурилмаларнинг иш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган тадбирларнинг илмий асосланган назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Салар ва Боз-су очиқ сув ҳавзаларини санитар топографик текшириш натижалари асосида иссиқ иқлим шароитида сунъий юза фаол моддаларни сув ҳавзаси сувига тушиши, Салар ва Боз-су аэрастанцияларининг иш фаолияти, қурилмаларнинг техник ва гигиеник самарадорлигини пасайишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифи ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифи ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган илмий натижалар асосида «Боз-су аэростанциясида маиший-хўжалик чиқинди сувларини тозалаш қурилмаларининг иш самарадорлигини гигиеник баҳолаш ва профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқиш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 06 июлдаги 8н-з/356-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома оқава сувларни тозалаш, уларни гигиеник тавсифи, тозалаш қурилмалари иш самарадорлигини гигиеник ўзгаришларни баҳолаш имконини берган;

оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифи ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизматининг профилактик амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 декабрдаги 08-40216-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши Боз-су аэростанциясида механик, биологик тозалаш босқичларидан ўтган ва зарарсизлантирилган хўжалик-маиший чиқинди сувларини тозалаш самарадорлигини оширишга, аэростанциядан очиқ сув ҳавзасига тушаётган тозаланган чиқинди сувларни Боз-су канали сувининг сифати ва шу сувдан фойдаланувчи аҳоли саломатлигига кўрсатадиган салбий таъсирини олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда мавзунинг долзарблиги ва заруриятининг асосланиши тақдим этилган, мақсад ва вазифалар, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишини устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, кетма кет баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Сув ҳавзаларини ифлосланишдан муҳофаза қилишнинг гигиеник муаммоларини баҳолашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи адабиётлар шарҳи бобида очик сув ҳавзаларини ифлосланттирувчи манбаларнинг турлари, уларни сув ҳавзалари сувларининг сифатига, аҳолининг турмуш тарзи ва саломатлигига кўрсатадиган таъсири, чиқинди сувларни тозалашда қўлланиладиган турли тозалаш иншоотларининг техник ва гигиеник самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, очик ва ер ости сувларини юза фаол синтетик моддалар билан ифлосланиш ҳолати, уларни асосий манбалари, чиқинди сув таркибидан уларни четлаштиришнинг энг самарали усуллари тўғрисидаги маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган ишларнинг тўлиқ баёни келтирилган.

Диссертациянинг «**Оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифи ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишни бажаришда қўлланилган усул ва материаллар тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Оқава сувларни тозалаш станцияси қурилмалари иш самарадорлигини баҳолашда ўртача кунлик ва ўртача пропорционал намуналар олинган (Руднева И.И.2007).

Илмий изланиш жараёнида агарда ҳосил бўлаётган оқава сувда махсус ифлосланттирувчи ингредиентлар мавжуд бўлса уларни аниқлаш мақсадида бир марталик намуналардан фойдаланилган.

Очик сув ҳавзасидан синама олиш жойларини танлаб олишда сувдан фойдаланиш жойидан куйи ва юқори қисмларда махсус нуқталар белгиланиб, намуналар олинди. Бунда синама бир неча нуқталарда бир вақтда олинди.

Сувдан синама олиш стандарт услубий кўрсатма асосида олинди (Прокопьева М.В.2004).

Сувнинг органолептик кўрсаткичлари, яъни сувнинг ҳарорати махсус термометрларда аниқланади.

Сувнинг ранг кўрсаткичи эса визуал усулда 10 смли сув қаватида аниқланади. Фақат баҳсли ҳолатлардагина платина кобальтли шкала ёрдамида аниқланади.

Сувнинг тиниқлиги Снеллен шрифти ёрдамида аниқланди. Муаллақ моддалар ва унга паралел равишда қуруқ қолдиқ текширилувчи сувни 100⁰С қайнатиш усули ёрдамида аниқланди.

Сувнинг органолептик хусусиятларини текширишда ҳид ва таъм аниқланилиб, бунда, бригада усулидан фойдаланилди. Яъни синама олиш жойида бир неча киши иштирокида органолептик хусусиятларни аниқланди.

Сувнинг ҳиди хона ҳароратида 60⁰Сгача қиздириб аниқланилган.

Сувнинг кимёвий хусусиятларини аниқлашда калорометрик усулдан фойдаланилди. Сувда сузиб юрувчи муаллақ моддаларни аниқлаш Лисенко цилиндри ёрдамида сувни 15 дақиқа тиндириш усули ёрдамида аниқланилди. Натижалар сантиметр ёки фоизларда белгиланди. Сувни оксидланиши

перманганат усули ёрдамида аниқланилди. Бу усулда сув 15 дақиқа давомида (Кубель усули) қайнатилади.

Сувдаги эриган кислород миқдори стандарт усул ёрдамида аниқланилди, бунинг натижасида сув таркибидаги эриган кислородга бўлган биокимёвий эҳтиёж (ЭКББЭ₅, ЭКББЭ₂₀) баҳоланган.

Сувдаги хлоридлар миқдори титрлаш усули ёрдамида аниқланилди, бунда аниқлаш титрлаш учун сарфланган кумуш ва калий миқдорига қараб белгиланди.

Тозалаш қурилмалари ва уларнинг алоҳида иншоотлари иш самарадорлигини тўлиқ баҳолаш учун махсус формуладан фойдаланилади:

$$P = (a - b) \times 100 / a,$$

бу ерда: а–тозалаш учун келадиган оқава сув таркибидаги ифлослантурувчилар концентрацияси, мг/л; в–тозаланган оқава сув таркибидаги ифлослантурувчи модда миқдори, мг/л.

Тозалаш қурилмаларининг иш самарадорлигини ўрганишда шу қурилмани айнан қайси усулда фойдаланишига ва у тозалайдиган махсус кўрсаткичларга қараб баҳоланган.

Чиқинди сув таркибидаги захарли кимёвий моддалар концентрацияси рухсат этилган миқдорини ҳисоблашда оқава сув таркибидаги анионоактив СЮФМларни аниқлашда–колорометрик усулдан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Тошкент шаҳрида канализация тизимини шаклланиш тарихи»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон мустақилликка эришгунча сув объектларини санитар муҳофазалашнинг ривожланиш тарихи баён этилган.

Революцияга қадар Тошкент шаҳрида канализация тармоғини ташкил этиш имконияти мавжуд эмас эди, бунинг асосий сабаби ташкиллаштирилган водопровод тармоғининг мавжуд бўлмаганлигидир. Бу ҳолат айниқса шаҳарнинг эски шаҳар қисмида кескин намоён бўлган.

Шаҳарнинг асосий аҳолиси 1930 йилгача маиший мақсадлар ва истеъмол учун сувни ариқлардан олади. 1909 йилда Тошкент шаҳрида илк бор бурғули қудуқ ишга туширилди. Бу Салар ариғининг ўнг соҳилида академик Содиқ Азимов кўчаси ҳудудида ташкил этилади. Бу қудуқ дебети соатига 1500 литрни ташкил этади. Бу Мирзамахмуд Мусаханов кўчасидан С.Азимов ва Абдулла Тўқай кўчалари бўйлаб сув таъминотини ташкил этиш имконини берди.

Мазкур сув таъминоти тармоғи ишга тушгандан сўнг Тошкентнинг янги шаҳар ҳудудида илк бор канализация тармоғи ишга туширилиши режалаштирилди.

Янги шаҳар қисмига Содиқ Азимов, М.Мусаханов ва Гогол кўчалари киради. Бу кўчаларда ўша даврда маҳаллий канализацияга эга бўлган хонадонлар жойлашган бўлиб, улардан ажралиб чиқаётган оқава сувлар

йиғувчи қудуқларда тўпланади ва улар махсус транспорт воситасида шаҳардан ташқарига олиб чиқилган.

1924 йилда Туркистон Республикаси ташкил этилгач жадал суратлар билан турар жой ва жамоат бинолари, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этила бошланди.

1-жадвал

Тошкент шаҳри ҳудудида канализация тизимини ривожланиши даврлари

Йиллар	Назорат қудуқлари сони	Тармоқ узунлиги, п/м	Коллекторлар узунлиги, п/м	Тармоқ ва коллекторлар узунлиги, п/м
1949	9	13001	24982	37983
1950	14	15308	25462	40770
1960	228	48800	41258	90058
1970	1469	376708	170739	547447
1980	35768	831854	333393	1165247
1990	60951	1218149	436412	1654561
2000	95603	2222732,26	197485,3	2420217,56
2006	102361	2362368,92	205028	2567396,92

1-жадвалдан кўришиб турибдики, 1949 йилда дастлабки узунлиги 37983 п/м билан бошланган канализация тизими, 2006 йилга келиб 2567396,92 п/м ташкил этган бўлса, 2021 йилда 2765400,75 п/мни ташкил этди.

Аҳоли сони ва ишлаб чиқариш тармоқларини ривожланиш даражасини ортиши билан канализация тизимини мураккаблашиб борди.


Бу ишларга паралел равишда Боз-су ГЭСининг каскади ва Бош Боз-су водопровод иншоотини қурилиш ишлари олиб борилди. Боз-су бош водопровод иншооти 1931 йил май байрамида ишга туширилди. 1932 йилда Ўрта Осиёдаги энг йирик тўқимачилик комбинати Тошкентда қурилиши бошланди. Унинг таркибига корхонанинг ўзидан ташқари кўп қаватли турар жой биноларидан иборат бўлган аҳоли турар жой ҳам қурилди. Бу корхонадан ҳосил бўладиган оқава сувнинг кунлик қуввати 485000 м³ ни ташкил этадиган маҳаллий канализация тармоғига туширилди.

Канализация тармоғининг биринчи навбати қунига 25000 м³ чиқинди сувни тозалашга мўлжалланган бўлиб, унинг биринчи навбатининг умумий узунлиги 145 кмни ташкил этди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Тошкент шаҳрининг барча туманларидан ҳосил бўладиган хўжалик-маиший ва корхона чиқинди сувларини тозалаш учун учта йирик аэростанциялар: Салар, Боз-су ва Бектемир тозалаш иншоотлари қуриб фойдаланишга топширилди.

Диссертациянинг «Тошкент шаҳрида ҳосил бўлаётган оқва сувларнинг тозалаш иншоотларини иш самарадорлигини гигиеник баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида Тошкент шаҳридаги иккита йирик Боз-су ва Салар аэростанцияларининг иш самарадорлиги, чиқинди сувларни тозалаш технологиясини ўрганиш ҳамда олинган натижаларни гигиеник меъёрларга мослигини баҳолашга бағишланган.

Салар аэростанциясининг кунлик иш қуввати 1200000 м³/кунлик ташкил этади. У асосан Тошкент шаҳридаги Яккасарой, Чилонзор, Миробод, Яшнобод Сергели ва Янгиҳаёт туманлари аҳолисидан ва мазкур ҳудудлардаги ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳосил бўладиган чиқинди сувларини тозалаш, чўкмани қайта ишлаш вазифасини бажаради (1-расмга қаранг).



1-расм. Салар аэростанцияси қурилмаларининг кетма-кетлиги

Тозалаш станциясига етиб келгунча чиқинди сувнинг таркибида ўта ҳавфли бирикмалар миқдори руҳсат этилган ташлаш даражасидан юқори бўлади. Оқва сувларни Салар аэростанциясида (САС) механик, биологик тозалаш қурилмалари ва зарарсизлантириш босқичидан ўтказилади ҳамда чиқинди сув таркибидаги муаллақ, биологик моддалар, органик бирикмалар, патоген бактериялар ва вируслар бартараф этилади.

Станцияга кириб келган чиқинди сув механик тозалаш босқичидаги қурилмалардан сўнг эса биологик тозалаш қурилмаларига ўтади. Салар, Боз-су аэростанцияларида ҳам биологик тозалашда асосан аэротенкалардан фойдаланилади.

Аэротенкда чиқинди сув таркибидаги органик моддаларни зарарсизлантириш учун фойдаланиладиган фаол илга мунтазам равишда ҳаво бериб борилади, буни Хитойнинг Shanghai Winda Environmental Engeneering Co

фирмаси томонидан таклиф этилган ҳаво пуркагичлар ёрдамида амалга оширилади.

Бирок, аэротенкнинг иш фаолиятига чиқинди сув таркибидаги моддалар салбий таъсир кўрсатмаслиги учун аэротенкка келувчи чиқинди сув қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: рН = 6,5-8,5; чиқинди сув оқимининг ҳарорати $-5^{\circ}\text{C} \dots +30^{\circ}\text{C}$; эриган кислородга бўлган кимёвий эҳтиёжни ЭКБКЭни ЭКББЭга нисбати 1,5 дан кўп эмас; чиқинди сув таркибида эримайдиган ёғ, нефт маҳсулотлари ва унинг қолдиқлари мавжуд бўлмаслиги; муаллақ моддалар концентрацияси 150 мг/лдан кўп эмас; зарарли моддалар концентрацияси РЭТдан юқори бўлмаслиги лозим.

Аэротенкда фаол илни меъёрда сақлаш учун уни қуруқ қолдиқ, ил миқдори, қайтувчи ил, ил индекси, эриган кислород бўйича бошқариш талаб этилади.

2-жадвал

Аэротенкнинг биологик тозалаш самарадорлик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Қурилмага кириш жойидаги кўрсаткичлар	Чиқишдаги кўрсаткичлар	Меъёр, (РЭТ)
1	Эриган килородга бўлган биокимёвий эҳтиёж-ЭКББЭ ₅	мг/л	34,0	15	21
2	Муаллақ моддалар	мг/л	94,0	20	26
3	Азот аммоний тузлари	мг/л	13,9	6,0	6,2
4	Фосфатлар	мг/л	1,43	0,78	2
5	Эриган килородга бўлган биокимёвий эҳтиёж	мг/л	144	70	74

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, аэротенк иш самарадорлиги махсус кўрсаткичлар бўйича СанНваҚ 0318-15 талабларига тўлиқ мос келади.

Технологик объектлар –аэротенк, стабилизатор ва контакт ҳовузларни ҳаво билан таъминлаш учун ҳаво ҳайдаш агрегатлари хизмат қилади.

Боз-су аэростанциясидаги 1-ҳаво ҳайдаш биносида 2 дона SG-52 русумли Q-22500 м³/соат бўлган ва 3 дона SG-70 русумли Q-45000 м³/соат бўлган ҳаво ҳайдаш агрегатлари ўрнатилган.

Технологик ҳисоб-китобларга асосан аэротенк ва стабилизаторларга 135000м³/соат ҳаво билан доимий равишда таъминлаб турилади.

Сувдаги эриган кислород миқдори станциядаги кимё-бактериологик лабораторияси томонидан мунтазам назорат қилинади ва керакли миқдордаги ҳавони замонавий ҳаво ҳайдаш агрегатларида 60-100% бошқарилади.

Ҳозирги кунда технологик жараён меъёрий ҳолатда ишлаши учун 115000м³/соат ҳаво берилмоқда.


Аэротенкада биологик тозалаш жараёни учун 700 минг м³/кун оқава сувга 15 000 м³/соат ҳажмда фаол ил KPL.700.60.6.T.50.Z русумли 7 дона грундфос насослари орқади ҳайдалади.

Q-2500м³/соат Н-6 м, N – 60 кВт. эрлифт д-1200 – сиқилган ҳаво ёрдамида иккиламчи тиндиргичларда чўктирилган фаол ил аралашмасини аэротенкка ташлаб бериш учун хизмат қилади.

Д-1200мм эрлифтнинг иш унуми 2500м³/соатда 1м³ илни кўтариш учун хизмат қилади. Тозаланган чиқинди сув таркибидаги қодик хлор миқдори 1,5 мг/л, коли индекс 900-1000 дона/л га тенг бўлади.

Назорат остига олинган иккинчи объектимиб бўлиб, Тошкент шаҳридаги Боз-су аэростацияси ҳисобланади.

Боз-су аэрация станцияси 1963 йил 25000 м³/кун қувват билан ишга туширилган. Боз-су тўйинтириш иншооти Тошкент шаҳридан 4 км қуйида Занги-ота тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, умумий майдони 122 гани ташкил этади. Бу иншоот Тошкент шаҳрининг Олмазор, Шайхонтохур, Учтепа, Юнус-обод ва Чилонзор туманларининг канализация қувурлари орқали келган оқава сувларини тозалаш фаолияти билан шуғулланади.



2-расм. Боз-су аэростацияси тозалаш қурилмаларининг кетма-кетлиги

Боз-су аэростациясининг (БАС) I-навбати 1963-1977 йилларда ишга туширилган бўлиб, қуввати 525 минг м³/кун, II-навбати 1991-йил ишга туширилган қуввати 210 минг м³/кунни ташкил қилади.

Иншоотнинг ўрнатилган қуввати 735минг м³/кунни ташкил қилади. Ҳозирги кунда 660-680 минг м³/кун оқава сув қабул қилмоқда.

Станциядаги тозалаш кетма-кетлиги: механик, биологик тозалаш ва зарарсизлантириш ва чўкмани қайта ишлашдан иборат.

Салар ва Боз-су аэростацияларининг асосий иш мезони бир хил, аммо тозалаш қурилмалари кетма-кетлигида маълум фарқлар мавжуд (ССАда

бирламчи тиндиргичлар мавжуд, контакт ҳовузлар мавжуд эмас, БСАда эса аксинча бирламчи тиндиргичлар мавжуд эмас, аммо контакт ҳовузли фаолият олиб боради).

3-жадвал

Салар ва Боз-су аэрастанциялари қурилмаларининг иш самарадорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	РЭМ, мг/л	САС	БАС
Муаллақ моддалар	0,25	69,4±1,55	60,20±1,2
ЭКББЭ	3	31,33±2,11	34,88±1,54
ЭКБКЭ	6	133,7±1,60	120,7±1,10
Азот аммоний тузлари	45	12,2±1,65	12,6±1,71
Нефт маҳсулотлари	0,3	0,66±0,062	0,67±0,063
Сунъий юза фаол моддалар	1,2	0,58±0,63	0,60±0,64
Хлоридлар	500	75,5±3,44	72,6±2,88
Сулфатлар	300	81,92±3,07	76,55±2,08
Қурук қолдиқ	1000	431,9±1,88	425,4±1,53

3-жадвалда келтирилган ҳар икки аэрастанция қурилмаларининг иш самарадорлиги шуни кўрсатдики, механик, биологик босқичи ва зарарсизлантириш иншоотларининг тозалаш самарадорлиги СанНваҚ 0318-15 талабларига тўлиқ мос келади.

БАСда тозалаш босқичининг якуний иншооти контакт ҳовузли бўлиб, у тўртбурчак шаклдаги темир бетонли резервуардир. Оқова сувларни зарарсизлантириш контакт ҳовузлида амалга оширилади. Иншоотда контакт ҳовузли 6 донани ташкил этиб, унда гипохлорит натрий билан чиқинди сувнинг мулоқат вақти 30 дақиқани ташкил этади.

4-жадвал

Чиқинди сувни зарарсизлантириш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ў/б	Кириш	Чиқиш 1	Чиқиш 2	Чиқиш 3	Меъёр
1	Коли индекс	1 дм ³ сувдаги микдор	238 млн	950	900	950	1000

4-жадвалдан кўришиб турибдики, тозалаш иншоотидаги зарарсизлантириш самарадорлиги гигиеник меъёрларга мос келади.

Боз-су аэрастанциясига келувчи чиқинди сув таркибида ЮФМлар микдори меъёридан баландлиги аниқланди. Боз-су аэрастанциясига келувчи чиқинди сув биологик тозалаш босқичларидан кейин юза фаол моддалар микдори камаяди. Бунда фаол моддалар микдори 0,02 мг/л ни ташкил этади.

Бу тозалаш станциясидаги биологик тозалаш қурилмалари иш самарадорлигини меъёрида эканлигидан далолат беради.

СЮФМлар тозалаш станциясидаги тозалаш иншоотларига тушгач, тозалаш жараёнини тўхтатади. Муаллақ моддаларни чўктириш самарадорлиги 7 дан 8%гача пасаяди, агарда чиқинди сув таркибида юза фаол моддалар миқдори 15 мг/лни ташкил этса, биофилтрлар иши пасаяди, юза фаол модда миқдори 5 дан 10 мг/лни ташкил этса аэротенкдаги фаол илга захарли таъсир этиб уларни нобуд бўлишига олиб келиши мумкин.

Маиший оқава сувлар одатда кучсиз ишқорий муҳитга эга бўлади (рН = 7,2-7,8). Маиший оқава сувлардаги органик бирикмалар одатда икки гуруҳга бўлинади; таркибида азот сақлаган ва таркибида азот сақламайдиган.

Азот сақламайдиган органик моддаларнинг асосий қисмини углеводлар ва ёғлар ташкил этади. Азот сақловчи органик моддалар гуруҳига эса оксил ва унинг гидролиз маҳсулотлари киради. Маиший оқава сувлардаги энг асосий ифлослантувчи ингредиент бу микроорганизмлардир.

Тозаланиш учун Боз-су аэростанциясига келаётган оқава сувларнинг ўртача 35-40% (700000 м³/сут) қисмини корхона чиқинди сувлари ташкил этади. Улардан 420000 м³/сут (60%) қисми биринчи гуруҳга, 175000 м³/сут (25%) - қисми иккинчи гуруҳга, 105000 м³/сут (15%) қисми эса учинчи гуруҳга киради.

Шаҳар ҳудудидан ҳосил бўладиган оқава сувларнинг таркиби ва сифати қийин ҳисобга олинadиган ва мураккаб башорат қилинадиган бир қатор омилларга боғлиқдир.

Маҳаллий шароитнинг турли-туманлиги юза оқава сувларнинг хусусиятларини ўртача кўрсаткичларини аниқлаш имконини бермайди.

Диссертациянинг «**Очиқ сув ҳавзаларини синтетик юза фаол моддалар билан ифлосланишдан санитар муҳофазалаш**» деб номланган бешинчи бобида Тошкент шаҳар аҳолиси ва ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўладиган чиқинди сув таркибидаги юза фаол моддаларни тозалаш, уларни зарарсизлантириш усулларини гигиеник баҳолаш маълумотлари таҳлилига бағишланган.

Тошкент шаҳри аҳолисидан ҳосил бўлувчи чиқинди сув таркибидаги сунъий юза фаол моддалар (СЮФМ) асосан тўқимачилик саноати ҳисобига тўғри келади. Мазкур корхоналардан ҳосил бўлувчи чиқинди сувларни ҳеч қандай тозалашларсиз тўғридан-тўғри очиқ сув ҳавзасига ташланиши сув ҳавзаси сувининг органолептик, кимёвий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун технологик жараёнида таркибида СЮФМлар сақлаган чиқинди сув ҳосил қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарида албатта локал тозалаш иншоотларини ташкил этиш зарур.

Шундай тозалаш иншоотлари бўлган корхоналардан ҳосил бўладиган чиқинди сувларни тозалаб, сўнгра канализация тармоғига ташлаш Салар ва Боз-су аэрастанциялари иш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Чиқинди сув таркибидаги СЮФМларни камайтириш ва миқдорини гигиеник меъёрлар даражасига келтиришда Салар ва Боз-су аэрастанциялардаги биологик тозалаш иншоотларининг ўрни бекиёсдир. Биологик тозалаш

иншоотларидан аэротенклар чиқинди сув таркибидаги СЮФМларни биокмиёвий оксидлаш натижасида камайтиради.

Натижада чиқинди сув таркибидаги СЮФМлар миқдори гигиеник меъёр санитар қоида ва меъёр 0318-15 талабларига мос келади. Биологик тозалаш иншоотларини СЮФМлар миқдорини камайтириш бўйича самарадорлигини оширишда коагулянтлардан фойдаланиш ёки чиқинди сувни фаоллаштирилган кўмирли филтрдан ўтказиш СЮФМлар миқдорини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ичида энг самарали бўлиб ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

«Оқава сувларни тозалаш жараёнини гигиеник тавсифи ва профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сув ҳавзаларини санитар муҳофазалаш муаммоси Ўзбекистон Республикасида ўз тарихига эга бўлиб, у шартли равишда 4 босқични ўз ичига олади: **биринчиси** ташкилий давр (1924 дан 1950 йилгача) бу даврда сув ҳавзаларига тушувчи чиқинди сувларнинг таркиби ва уларни сув ҳавза сувларига кўрсатадиган таъсири ҳақидаги маълумотлар тўпланadi; **иккинчи давр** (1950 йилдан 1970 йилгача) да сув ҳавзаларини муҳофазаси бўйича мукамал ва янада ишончли санитар-гигиеник текширишлар олиб бориш даври; **учинчи даври** (1971 йилдан 1991 йилгача) бўлган даврни ўз ичига олади, бу даврда сув ҳавзаларини муҳофазасига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни бажарилишини назорат қилиш даври; **тўртинчи даври** (1991 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган давр) да мустақиллик даврида ҳукумати томонидан сув ҳавзаларини муҳофазасига қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни ўз вақтида ва самарали бажарилишини давлат органлари томонидан мунтазам назорат қилиш, сув ҳавзаларини муҳофазасига қаратилган қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқини назорат қилиш ишлари олиб борилмоқда.

2. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида сув истеъмолини кескин ортиши йилдан-йилга хўжалик маиший ва корхона чиқинди сувлари миқдорини ортишига сабаб бўлмоқда. Ҳосил бўлаётган 50% оқава сувлар керакли тозалаш босқичларидан ўтмасдан очиқ сув ҳавзаларига туширилмоқда. Санитар-гигиеник нуқтаи назардан корхона чиқинди сувлари, айниқса кимё ва енгил саноат корхоналаридан ҳосил бўлаётган оқава сувлар очиқ сув ҳавзалари сувига сезиларли таъсир кўрсатувчи манбалар сирасига киради (йилига 2 млн. м³).

3. Тошкент шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналаридаги мавжуд локал тозалаш иншоотларида фақат механик тозалаш усулларида фойдаланилади, фақатгина баъзи ҳолларда хлорлаш усулидан фойдаланилади ҳолос. Махсус биологик тозалаш усулларида етарли фойдаланмаслик чиқинди сувларни

тозалашни гигиеник самарадорлигини пасайишига сабаб бўлмоқда. Корхоналардан ҳосил бўлаётган оқава сувларни тозалашда тупроқли усуллардан фойдаланиш яхши самара беради, аммо шаҳар бўйича мазкур усулдан жуда кам ҳоллардагина фойдаланилади.

4. Ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳосил бўлувчи чиқинди сувларни етарли даражада тозаланмаслиги сабабли корхоналарда ишлатилувчи 21 турдаги кимиёвий ингредиентлардан фақат 7 таси тозалаш иншоотларида ушлаб қолинади, қолганлари, фтор, кўрғошин, фурфурол, нитратлар, органик бирикмалар, бўёқлар, нефт маҳсулотлари ва ҳ.к. оқава сувлар таркибида очиқ сув ҳавзаларига ташланмоқда.

5. Очиқ сув ҳавзаларини хўжалик маиший чиқинди сувлар билан ифлосланиши ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади, чунки аҳолидан ҳосил бўлувчи оқава сувларни тозаловчи Салар ва Боз-су аэрастанциялар ўзининг лойиҳавий қувватидан ортиқ ишлаши сабабли етирли даражада қониқарли эмас (55 дан 65% гача).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ЮСУПХЎЖАЕВА АЗИЗА МАЖИДОВНА

**ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПРОЦЕССА
ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД И РАЗРАБОТКА
ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЙ**

14.00.07 - Гигиена

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.3.PhD/Tib2093.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Искандарова Гузал Тулкиновна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Саломова Феруза Ибодуллаевна
доктор медицинских наук, доцент

Шовалиев Илхом Хакназарович
доктор медицинских наук

Ведущее учреждение:

**Центр развития профессиональной
квалификации медицинских работников**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2023 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Зал заседания 4-этажа, 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2-учебный корпус «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел / факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 г.

(реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2023 г.)

Г.И. Шайхова

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук

Ф.И.Саломова

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Вода имеет большое значение в производственной сфере и в народном хозяйстве. Нам известно, насколько необходима вода для условий жизни населения, флоры и фауны. Вода является естественной средой обитания для многих видов живых существ. Нехватка пресной воды является одной из важнейших проблем, стоящих сегодня перед миром. Постоянно возрастающая потребность в воде в производственной сфере и сельском хозяйстве ставит перед всем миром вопрос о поиске различных источников решения этой проблемы³. Расширение городов, быстрое развитие производства, закономерный рост сельского хозяйства, значительное расширение площади орошаемых полей, улучшение культурно-бытовых условий и ряд других факторов усложняют проблемы водоснабжения. На современном этапе развития актуальными остаются следующие направления использования водных ресурсов; это более рациональное использование водных ресурсов и расширение восстановления запасов пресной воды; разработка новых технологических процессов, позволяющих предотвратить загрязнение водных источников.

В мировом масштабе проводится ряд научных исследований направленных на очистку сточных вод, а также разработку профилактических мер. В связи с этим проведение научных исследований, направленных на оценку количества поверхностно-активных веществ и их влияние на качество воды и водопользование, гигиеническая оценка истории развития санитарной охраны от сброса сточных вод в открытые водоемы в крупных городах, санитарно-топографическая оценка открытых водоемов, гигиеническая оценка эффективности работы очистных сооружений, оценка влияния очищенных сточных вод на воды открытых водоемов а также разработка комплекса мероприятий по оптимизации получаемых систем очистки сточных вод имеют особое значение.

В нашей стране для развития медицинской сферы, адаптации медицинской системы в соответствии с мировыми стандартами, осуществляются определенные меры, в том числе, направленные на профилактику заболеваний, вызванных нарушениями санитарно-гигиенических норм водоснабжения. В связи с этим, в соответствии с приоритетными семи направлениями Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы для повышения уровня медицинских услуг на новый уровень обозначены следующие задачи, как «... повышение качества оказания квалифицированной помощи в первичной медико-санитарной помощи ...»⁴.

Исходя из этих задач, целесообразно проведение исследований, в том числе по гигиенической характеристике очистки сточных вод и разработка профилактических мероприятий.

³ Остроумов С. А. О биотическом самоочищении водных экосистем. Элементы теории // Доклады академии наук. – Федеральное государственное бюджетное учреждение " Российская академия наук", 2004. – Т. 396. – №. 1. – С. 136-141.

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года, № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4063 «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения» от 18 декабря 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах принятых в данном направлении.

